
АЛИШЕР НАВОИЙ ВА БОБУР МЕРОСИ – БЕҚИЁС МАЪНАВИЙ ХАЗИНА

Буюк бобокалонларимиз Мир Алишер Навоий ва Бобур меросини беқиёс маънавий хазинага қиёсласак муболаға бўлмас.

Улар меросини теран нигоҳ ила ўрганган ёш авлоднинг маънавий олами бой, тафаккури теран бўлади.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги, Республика маънавият ва маърифат маркази Марғилон шаҳар бўлинмаси ташаббуси билан бугун шаҳардаги 13-умумтаълим мактаби ўқувчи ва устозлар иштирокида "Жаҳон ичра жаҳоний сиймолар" номли сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий ва шох ва шоир Захириддин Муҳаммад Бобурларнинг таваллуд кунлари муносабати билан маънавий маърифий тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида ўқувчилар ижросида янграган мутафаккирлар қаламига мансуб туркум ғазаллар, шунингдек, шеър ва мумтоз қўшиқлар оҳангли барчага бирдек манзур бўлди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-02-06 18:19:53